

А Ж Р И М

(Ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2026 йил февраль ойининг 25 кунда жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судининг очик сайёр суд мажлиси Иштихон туман “Мохпар” МФЙ биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Раупов, судья ёрдамчиси Б.Тошпўлатовнинг котиблигида, тарафлардан Иштихон туман прокурори адлия катта маслаҳатчиси У.Бутунов, судланувчи Ф.Эсиргапов ва унинг ҳимоячиси Иштихон туман “Нақіқат ва Нимоуа” адвокатлик бюроси адвокати С.Мамарасулов ҳамда жабрланувчининг қонуний вакили С.Рустамоваларнинг иштирокида,

Эсиргапов Фарход Махамматович (Esirgapov Farhod Maxammatovich) - 1989 йил 28 январь куни Самарқанд вилояти, Пайариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Пайариқ тумани, “Фитрат” маҳалласида яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномасини 2026 йил 02 февраль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан судланувчи Эсиргапов Фарход Махамматовичга оид № 1-1407-2601/48-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Эсиргапов Фарход Махамматович, 2025 йил 07 декабрь куни ўзига олдиндан таниш бўлмаган Иштихон туманида яшовчи Суюндиқова Моҳира Дехқоновна билан телефон орқали гаплашиб, у билан танишиб, ушбу куни соат 12:00 ларда у билан Иштихон тумани Қирқийгит маҳалласи ҳудудида учрашиб, Туркия давлатига виза тайёрлаб бериш ваколоти бўлмасада, Туркия давлатига кириш учун қўйилган тақиқни бекор қилиб, виза тайёрлаб беришини айтиб, уни ишончига кириб, Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 12 млн 135 мингга тенг бўлган 1000 АҚШ доллари миқдордаги пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, қўлга киритилган пулларни ўз шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судланувчи Ф.Эсиргапов ва жабрланувчининг қонуний вакили С.Рустамовалар судга ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи Эсиргапов Фарход Махамматович, суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчининг қонуний вакили С.Рустамова билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини



тугатишни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили Рустамова Саодат Элмуратовна, суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи Ф.Эсиргаповга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, судланувчи Ф.Эсиргапов ва жабрланувчининг қонуний вакили С.Рустамоваларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Иштихон туман прокурори У.Бутунов ва ҳимоячи С.Мамарасуловларни жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, Ф.Эсиргаповнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Ф.Эсиргаповга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни ва ва ажрим қонуний кучга киргандан сўнг, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишликни лозим деб топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчининг қонуний вакили С.Рустамовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан судланувчи **Эсиргапов Фарход Махамматович** (Esirgapov Farhod Maxammatovich)га нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонлар ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Судланувчи Эсиргапов Фарход Махамматовичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили С.Рустамовага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги аниқланиб, қўллангани бекор қилинсин.



Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ажрим нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:

Ж.Раупов

Ҳужжат имзоланган: Раупов Жонибек Муродкулович, 20.03.2026

